



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: Info@xs.uz

2007 йил 22 декабрь, № 252 (4405)

Шанба


Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган



«Тошкент трактор заводи»:

ЯНГИЛАНИШ ШАРОФАТИ

Марказий Осиёда ягона бўлган «Тошкент трактор заводи» очик акциядорлик жамияти жамоаси мамлакатимиз деҳқонлари — фермерларнинг техникага бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида фаол меҳнат қилмоқда.



Эътиборлиси, бу ерда йиғилётган трактор ҳамда тиркамаларга қўшни давлатларда ҳам талаб ортиб бораётди. Корхонада жорий йилнинг ўтган ўн бир ойида экспорт ҳажми 3 миллион 949 минг АҚШ долларини ташкил этди. Шунингдек, ўтган даврда заводда 2191 дона трактор, 1504 дона тиркама тайёрланиб, ишлаб чиқаришда усил суръати 109,9 фоизга етди.

«ТТЗ» ОАЖда тракторсозлик бўйича бой тажриба тўпланган. Бугун жамоа ишлаб чиқаришда янгилик яратиш борасида излашни олиб бормоқда. Тракторларнинг трансмиссия корпуси ана шу излашни мевасидир. Айни пайтда «2Б-93Н» русумли замонавий ускуна ёрдамида бундай корпусларни ишлаб чиқаришга киришилди. Мутахассисларнинг айтишича, йилги 2008

йилнинг январда бошланиб, мартнинг биринчи санасидан тўлиқ ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Ана шунда ойига 400-500 дона трансмиссия корпус тайёрланади. Заводда яна бир янгиликка қўл урилди. Бетакорр дизайнли трактор кабиначларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Бундай кабиначлар нафақат ташқи қўриқчи, балки техникани бош-

қарувчи учун бир қатор қулайликлар яратилгани билан ҳам аҳамиятлидир. Чунки пластик ва ойна асосида йиғиладиган кабина шоккини пасайтиради, муътадил иқлимни сақлаб туради. Қувонарлиси, кабина учун зарур ашёлар мамлакатимиздаги «Кварц», «Стеклопластик» ҳамда «ТТЗ-Технопластик» каби бир қатор корхоналар томонидан etkazиб берилди.

Юртимиз тракторсозлари 2008 йилда бундай замонавий кабиначлардан 200 та тайёрлашни режалаштиришган.

Сайд РАҲМОНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.
СУРАТЛАРДА: завод ҳаётиндан
ловхалар.
Темур ҚҮРБОНБОВ
олган суратлар.

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

«Уруғчилик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 9-моддасига ўзгартиш киритиш ҳақида

Қонунчилик палатаси томонидан 2007 йил 7 ноябрда қабул қилинган
Сенат томонидан 2007 йил 30 ноябрда маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 29 августда қабул қилинган «Уруғчилик тўғрисида»ги 267-1-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 130-модда; 1997 йил, № 4-5, 126-модда; 1999 йил, № 5, 124-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 4, 157-модда) 9-моддаси иккинчи қисмининг ўзбекча матнидаги «божхона тўлови» деган сўзлар «бож» деган сўз билан алмаштирилсин.

2-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан қучга киради.

Ўзбекистон Республикасининг
Президенти **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2007 йил 21 декабрь
№ ЎРҚ — 134

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

«Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

Қонунчилик палатаси томонидан 2007 йил 7 ноябрда қабул қилинган
Сенат томонидан 2007 йил 30 ноябрда маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 апрелда қабул қилинган «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги 223-1-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 5-6, 61-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 8-модда, № 9-10, 149-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 4, 154-модда; 2007 йил, № 7, 325-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **15-модданин биринчи қисми учинчи хатбоси** «фаолият соҳаси» деган сўзлардан кейин «асосий йўналишлари» деган сўзлар билан тўлдирилсин;
2) **16-модданин матни** қуйидаги тахрирда баён этилсин:
«Жамият уставиға ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ёки жамият уставиғи янги тахрирда тасдиқлаш ушбу Қонунда ҳамда жамият уставиға белги-ланган тартибда акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига биноан амалга оширилади»;
3) қуйидаги мазмундаги **24-модда** билан тўлдирилсин:

«24-модда. Олтин акция»
«Олтин акция» — айрим акциядорлик жамиятларини бошқаришда давлат иштирокининг махсус ҳуқуқи бўлиб, у стратегик аҳамиятга эга бўлган давлат корхоналари хусусийлаштирилётганда ёки акциядорлик жамиятларининг давлат акция пакетлари хусусий мулк этиб реализация қилинаётганда Ўзбекистон Республикаси Хукумати қарорига асосан жорий қилинади ва мамлакатнинг иқтисодий манфаатлари ҳимоя қилиниши таъминланади.
«Олтин акция» қийматга эга эмас, бошқа шахсга берилмайдиган ҳамда гаровга қўйилмайди, уставка фонди миқдорини белги-

лашда ва дивидендларни ҳисоблашда инобатга олинмайди.
«Олтин акция» уставка фондида давлат улуши бўлмаган ёки бу улуш йиғирма беш фоиздан ошмайдиган акциядорлик жамиятларида жорий этилиши мумкин. Давлатнинг «олтин акция»дан фойдаланиши тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белги-ланади.
«Олтин акция» акциядорлик жамиятининг кузатув кенгаши таркибига давлат вакилини (бундан бундан матнда давлат вакили деб юритилади) тайинлаш воситасида реализация қилинади. Давлат вакили акциядорларнинг умумий йиғилишида ва кузатув кенгаши мажлисларида ушбу Қонуннинг 65-моддаси биринчи қисмининг иккинчи — тўртинчи, еттинчи, саккизинчи, ўн саккизинчи, ўн тўққизинчи хатбосларида, шунингдек 82-моддаси биринчи қисмининг еттинчи, йиғирма иккинчи — йиғирма тўртинчи хатбосларида кўрсатилган масалалар бўйича вето қўйиш ҳуқуқи билан мажбурий тартибда иштирок этади. Вето қўйиш ушбу қарорлар қабул қилинган кун ёзма шаклда амалга оширилади»;

4) **47-модданин биринчи қисми** қуйидаги тахрирда баён этилсин:
«Акциядорлар реестри рўйхатга олинган акция эгаларининг уларга тегишли эгаси ёзилган қимматли қоғозларнинг сони, номинал қиймати ва тоифалари кўрсатилган, ҳар қандай белгиланган санадаги ҳолатга кўра тузилган ҳамда бу акция эгалари, уларга тегишли қимматли қоғозларнинг сони ва тоифалари айнан тўғриллигини аниқлаш имконини берадиган рўйхатдир. Унга нисбатан «олтин акция»ни жорий этиш тўғрисида қарор қабул қилинган жамият акциядорлари реестрига давлат вакили ҳам киритилади. Эмитентлар акциядорлар реестрининг давлат томонидан қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш ва мувофиқлаштириш юзасидан ваколат берилган орган белгилаган шаклда юритиши шарт. Акцияларни жойлаштирган

(Давоми 2-бетда).

БОЛАЖОНЛАРГА БАЙРАМ СОВФАСИ

Нурота туманидаги Сумбулоқ қишлоғи ўқувчилари арча байрамни янги мактабда нишонлайди. Бу ерда фойдаланишга топширилган мактаб биноси улар учун ажойиб байрам тўғриси бўлди.

Олис қишлоқда қад ростлаган ушбу мактаб ўқувчиларнинг узогини яқин қиладиган бўлди, — дейди туман халқ таъ-

лими бўлими мудири Бекмамат Жумаев. — Қисқа муддатда фойдаланишга топширилган билим даргоҳини Навоий кон-метал-

лургия комбинати замонавий мебель, компьютер ва бошқа зарур жиҳозлар билан таъминлади. Янги мактаб очилиши-

да сўзга чиққанлар юртимизда Президент Ислам Каримов раҳнамолигида ёш авлод таълим-тарбиясига қаратилётган улкан эътибор ва ғамхўрлик ҳақида гапириб, мактабни бунёд этишга муносиб ҳисса қўшган қурувчи ва

ҳомийларга миннатдорлик билдирди. Ўқувчиларга эсдалик совғалари, ўқув қуроллари ва кийим-кечаклар тортиқ этилди.
Тадбирда Навоий вилоят ҳокими Б. Рўзиев иштирок этди.


Ёркул УМАР,
ЎЗА мухбири.

Жиззах вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия сазй-ҳаракати билан жорий йилда иккитомий кўмакка муҳтож оилалар фарзандлари, ногирон ва ота-онасиз болаларга ҳомийлар маблағи ҳисобидан 300 миллион сўмликдан ортиқ моддий ёрдам кўрсатилди.

КҮН ТАРТИБИДА — ЁШЛАР МАСАЛАСИ

Мамлакатимизда ёш авлодининг ҳар томонлама соғлом камол топиши учун алоҳида эътибор ва ғамхўрлик кўрсатилмоқда. Айни мақсадда Жиззах вилоятидаги шаҳар ва туман ҳокимликлари қoшидаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар томонидан эҳтиёткорлик, нотинч оилалардаги болаларнинг иккитомий аҳоли доимий равишда ўрганилиб, уларнинг моддий таъминоти ва тарбияси назорат қилиб берилмоқда. Жорий йилда шундай оилаларнинг фарзандларидан 7 минг 972 нафарига бақда ҳисоб рақами очилди. Шунингдек, кам таъминланган оилаларнинг коллежларда таҳсил олаётган фарзандлари кийим-бош, бепул иссиқ оват ва махсус стипендия билан таъминланаётди. Жиззах шаҳридаги меҳрибонлик уйининг 13 нафар битирувчиси қизиқлишларига кўра коллежларга ўқишга жойлаштирилди.
Жиззах вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиянинг кенгайтирилган йиғилишида ёшларни ҳарбий хизматга тайёрлаш, уларни жисмоний тарбия-

(Давоми 2-бетда).



МАМЛАКАТ бўйлаб

Воқеалар,
янгиликлар,
хабарлар

ИЛМУ ҲУНАР МАРКАЗИ



Фаргона вилоятининг чекка қишлоғи — Чимёнда фаолият кўрсатаётган «Чимёфорум» кўп тармоқли ишлаб чиқариш фирмаси томонидан тайёрланган йўл плиталари поётахимизнинг Мустақиллик майдони, яқинда 2000 йилги нишонлаган Маргилондаги қатор иншоотларни базаб турибди.

Сифатли йўл плиталари тайёрланмоқда

Яқиндан бошлаб корхонада Германиядан олиб келинган технология асосида махсулот тайёрлайдиган қувватлар ишга туширилди. Энди чимёнлик бунёдкорлар табиий усулда тайёрланадиган 10 турдан ортиқ ҳар хил қўриқчи ва рангга эга бўлган, халқаро талабларга жавоб берадиган плиталар ишлаб чиқариш қувватига эга бўлди. Янги корхонанинг ишга туширилиши чимёнлик 30 дан зиёд ёшлар муқим иш жойига эга бўлишини ҳам таъминлади.

Набижон СОБИР,
«Халқ сўзи» мухбири.

Ёшларнинг замонавий билимга эга бўлиши, бугунги тараққиёт замонида мураккаб техника воситалари билан бемалол тиллаша олиши ҳар жабдан муҳим. Бу борада жойларда фаолият кўрсатаётган «Ёшлар иккитомий хизматлари маркази» номи билан аталувчи масканнинг алоҳида ўрни бор.
Шаҳрихон туманида ҳам «Камолот» Ёшлар иккитомий ҳаракати қoшидаги шундай марказлардан бири йиғит-қизларга бепул ҳунар ўргатмоқда. Марказ ишга туширилган эндигина тўрт ой бўлди. Шу вақт оралиғида бу ердаги компьютер, интернет машғулотлари, инглиз тили тўғрисидаги ёшларни ўзиға жалб этди. Айни кунларда 7 ёшдан 30 ёшгача бўлган 116 нафар йиғит-қиз бу ерда ҳунар ўрганиб, бўш вақтдан унумли фойдаланмоқда.

СУРАТДА: марказ аъзолари Гулиғий Аҳмедова ва Мадина Қосимова.
Хурсандбек АРАББОВЕВ олган сурат.

«Пешкутекс» махсулоти — хорижга

«Пешкутекс» қўшма корхонаси махсулотига хорижликлар талаби ошиб бормоқда.

Бу ерда тайёрланаётган ип-калаванинг асосий қисми Россия, Италия ва Польшага экспорт қилинаётти.
Қадимий Афсона қишлоғи яқинида барпо этилган ушбу корхонада замонавий технологик линиялар ўрнатил-

ган бўлиб, улар ёрдамида ҳар ойда ўртача 170-180 тонна ип-кавала ишлаб чиқарилаётти.

Истам ИБРОҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Корхона оромгоҳи

«Қизилқумцемент» очик акциядорлик жамияти ўз ишчи-хизматчиларининг соғлиғи муҳофазасига алоҳида эътибор қаратиб келмоқда.

Жамият тасарруфида 114 ўринга мўъжалланган «Сихаттоҳ» фаолият кўрсатиб, у Германия, Чехия, Россияда ишлаб чиқарилган замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозланган. Оромгоҳ 18 гектардан иборат бўлиб, бу ерда спортнинг барча турлари билан шуғулланиш имконияти ҳам яратилган.

Ҳамдам ЭШОНҚУЛОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

АҲИЛЛИҚДА ФАЙЗ-БАРАКА БОР

Кумкўрғон туманидаги «Дўстлик» маҳалласи нафақат туман, балки вилоятдаги энг яхши маҳаллалардан бири.

Дўстликда 3 минг 960 нафар фуқаро истиқомат қилади. Бу ерда 972 та хонадон бўлиб, 19 милят вакилларидан иборат катта бир оила оға-инидек тинч ва осуда яшамокда. Кам таъминланган оилаларга ёрдам бериш, янги иш ўринлари яратиш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш доимо маҳалла эътиборида. Биргина 2006 йилда қўл бонали оилалар, 2 йилга бўлган фарзандига қараш учун таътилга чиққан оналар ва кам даромадли оилалар учун 56 миллион сўм ажратиб берилди. 25 та оилалар 1 миллион 576 милят сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. 4 та оилаларга сўмлик совға қилинди. Хомий ташкилотлар маблағи ҳамда «USAID» халқаро ташкилот томонидан ажратилган грант ҳисобидан «Маънавий хизмат кўрсатиш маркази» ҳамда «Деҳқон бозори» қурилиб, 30 та яқин киши иш билан таъминланди.

Маҳаллада тадбиркорлар меҳнати ордидан ўзига тўқ бадавлат яшаётган оилалар сони кўпайётганлиги қувонарли ҳолидир. Эшдавлат Хурсандов сув ишлаб чиқариш цехида 8 нафар ёшани, Жўра Ғаниев гишт ишлаб чиқариш корхонасида 15 нафар кишини, Абдурашид Сафаров 7 кишини иш билан таъминлади. Жўра Тожиёв, Баҳром Менглиев, Эргаш Бобоқулов, Эркин Йўлдошев каби

ҳалол меҳнати туфайли оғуру-этибор топаётган одамлар маҳаллада кўпчилиги ташкил этиди. Айни пайтда 12 та савдо дўкони, 3 та ошхона, 1 та новойхона, 2 та сомса-

Маҳалла

хона, 2 та гишт дўкони, 2 та дорихона, 6 та катта-кичик бошқа турдаги савдо нуқталари ҳамда 1 та кутубхона маҳалла аҳлига хизмат кўрсатмоқда.

Маҳалла мактаб ҳамда болалар боғчалари билан ҳам яқин ҳамкорликни йўлга қўйган. Мана, бир неча йилдирки, хомийлар томонидан ажратилган маблағ ҳисобидан 3-мактабнинг 15 нафар ёшлари ўқувчи сонига стипендия жорий қилинган. Шунингдек, ҳар йили «Бинарша» болалар боғчаси тарбия-

ланувчилари, 18-иктисослаштирилган мактаб-интернат ҳамда 1 ва 3-умумий ўрта таълим мактаб ўқувчиларига янги ўқув йили олдидан бадиий китоблар ҳада этилиб, жажжи кичик-кичик байрам совғалари улашिलाди.

Маҳаллада ёшларнинг руҳан ва жисмонан соғлом бўлиб вояга етишлари борасида ҳам қўллаб амалий ишлар қилинмоқда. Ўсмирлар футбол жамоаси «Футболимиз келажак» республика биринчилигида 2004 йилда учинчи, 2005-2006 йилларда эса иккинчи ва биринчи ўринларни қўлга киритди.

Маҳалла «Экспан» халқаро ташкилоти томонидан ўтказилган «Виллоятимизни, шаҳримизни ва туманимизни гузал ўлкага айлан-

тирамиз» вилоят кўрик-танловида биринчи ўринга эришди. Республика Оқсўқоқлар кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси томонидан ўтказилган «Ибратли маҳалла оқсоқоли» кўрик-танловида эса маҳалла оқсоқоли Бозор Ҳақимов иккинчи ўринга муносиб, деб топилди.

Чор атрофи саранжом-сарийша маҳалла идорасидан қайтар эканмики, остона ортида мамнун кайфиятдаги бир йилгита дуч келдик. Ҳамроҳимиз уни Руслан деб таништирдик. Маълум бўлишича, Руслан Муртазиннинг ота-онаси ёлғизликда вафот этган экан. Маҳалла фаоллари, хомийлар бош-қош бўлиб унинг ниҳон тўйини ўтказишди.

Ҳа, маҳалла катта бир оила. Унинг дўстлиги аҳилликка боғлиқ, Ана шу аҳиллик бардавом бўлсин.

Абди ҚОДИРОВ.

ХУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОРЛАР!

НУКУС ШАХРИ, А. ШАМУРАТОВА КЎЧАСИ, 177-«Б» УЙДА ЖОЙЛАШГАН «РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ»НИНГ ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ФИЛИАЛИ

нархлари ошиб бориш тартибидан ўтказиладиган очик аукцион савдоларига таклиф этилади.

Кўчмас мулкнинг номи	Бошланғич нархи (сўм)	Тугатиш комиссияси	Ижро ҳужжати №	Манзили
Банкрот «КАРТ» МЧЖ чет эл корхонаси комплекс турида	1 408 500 000	Банкрот «КАРТ» МЧЖ чет эл корхонаси тугатиш комиссияси	Қ.Р.-си Ҳўжалик судининг 26.06.2007 йил №23-0704/4396 ижро варақаси	Қ.Р.-си, Нукус шаҳри, «Тўрткўл — Нукус» магистрали

Аукцион савдолари 2008 йил январь ойининг 12 — 17 кунлари соат 11.00 да ўтказилади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун хариддорлардан аризаларни қабул қилиши ва расмийлаштириш савдо бошланишидан бир кун олдидан соат 10.00 да ўтказилади.

Аукцион савдосида қатнашиш учун хариддорлар (юридик ва жисмоний шахслар) объект бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини РКМБ Қорақалпоғистон филиалининг (савдо ташкилотчилиги) қуйидаги ҳисоб рақамига: Миллий банкнинг Қорақалпоғистон филиалидаги МФО 00582, ИНН 200933850, 20210000100571452055 ҳисоб рақамига тўлашлари шарт.

Ўлов топшириқномаларида (квитанциялар) ижро ҳужжатининг тартиб рақами, санаси ва объект номи аниқ кўрсатилиши лозим.

Аукцион савдосида иштирок этиш учун савдо ташкилотчилиги номига қуйидаги ҳужжатлар тақдим қилинади: савдода иштирок этиш учун ариза ва закалат пули тўғрисидаги келишув; жисмоний шахслар учун паспорт нусхаси; юридик шахслар учун юридик макомини белгиловчи ҳужжатлар нусхаси; ўрнатилган тартибда тасдиқланган ишончнома (вакиллар учун).

Чет эллик юридик ва жисмоний шахслар пул маблағларининг келиб чиқиши қонунийлигини тасдиқлайдиган маълумотларни қўшимча равишда тақдим этилади.

Аукцион савдоларига қўйилган мулк билан танишиш истагида бўлган талабдорлар Республика Кўчмас мулк биржасининг Қорақалпоғистон филиалига эълон чиққан санадан бошлаб ҳафтанинг шанба ва яқшанба кунларидан ташқари ҳар кун соат 9.00 дан 18.00 га қадар мувожаат этишлари мумкин. Ушбу кўчмас мулк бўйича хабарнома «Еркин Қарақалпоғистон» газетасининг 2007 йил 13 декабрдаги 151-сонидан чоп этилган.

Манзил: Республика Кўчмас мулк биржасининг Қорақалпоғистон филиали, Нукус шаҳри, А.Шамуратова кўчаси, 177-«Б» уй. Тел.: (8-361) 222-84-44, 770-65-90. Интернетдаги сайтими: www.rkmb.uz Лицензия: DB 001 №000004.

ОРГАНИЗАЦИЯ РЕАЛИЗУЕТ СО СКЛАДА В ТАШКЕНТЕ И НА ЗАКАЗ:

КАБЕЛЬ АВВГ 2х2, 5 - 4х240 ААШВ; АСБ; 3х95-3х240

СИЛОВОЙ с изоляцией из сшитого полиэтилена от 10 до 110 кВ

Термоусаживаемые муфты от 1 до 35 кВ - СТП, КВТП, КНТП

ВОЛОКНО-ОПТИЧЕСКИЕ КАБЕЛИ СВЯЗИ МКСБ, ТЭГ, ТЭАШН, ЭКП

ЛАМПЫ (L18W OSRAM, LД-20; 40; 80; ДРЛ 125-700, ДНАТ 250; 400)

СВЕТИЛЬНИКИ (ИПО, ДСЛ, РСН, РКУ, ПЭМ и т.д.)

ЭЛЕКТРОДВИГАТЕЛИ (счётчики электроэнергии одно- и трехфазные, многотарифные)

ДИЗЕЛЬ-ЭЛЕКТРОСТАНЦИИ

Тел./факс: 8 (371) 136-01-54, 133-12-84. E-mail: gamma-elektro@yandex.ru

«ХАЛҚ СЎЗИ»ГА

ЭЪЛОНЛАР қабул қилинади.

9.00 дан 18.00 гача

136-09-25

132-10-63

242-хона

халқаро молия бозорларига чиқишлари учун дастлабки босқич ҳисобланиб, келгусида мамлакатимизга қўриб келадиган хорижий инвестициялар ҳажми янада оширишга замин яратяди.

Ўтгирисид мазкур ташкилотнинг энг юқори органи томонидан истак ихзор этилди.

катта юзага келаятган банк тизими кризисини олдини олиш учун Қозғистон Миллий банки 11 млрд. АҚШ долларини миқдорда маблағ сарфлади. Қозғистон ҳукуматининг ўзи эса 4 млрд. АҚШ долларини миқдорда маблағ йўналтиришини маълум қилди.

МУСТАҲКАМ ТАЯНЧ

эса «Пахтабанк» Ўзбекистоннинг энг яхши банклари сифатида тан олинганлигини кайд этиш мумкин.

Этибор беринг: бу биргина жорий йилда аҳоли ва ҳўжалик юритувчи субъектларнинг 500 млрд. сўмга яқин маблағлари банк оборотига жалб этилганлигидан, иқтисодий эҳтимолни ри-вожлантириш учун яна шунча миқдорда қўшимча маблағ киритилишидан далолат беради.

қолатхоналари сони 10 тага етди. Дарҳақиқат, истиқлолга эришганимизга 16 йил булган бўлса, бу давр мобайнида банкларимиз томонидан ўз омонатчилари ва кредитдорлари олдидан мажбуриятларини бажара олмасдан қолганлик ҳолатлари ўз бергани йўқ.

ва истиқбол

ижобий ўзгаришлар халқаро молиявий таътилотлар томонидан ҳам эътироф этилмоқда. Масалан, яқинда давлатимизга ташриф буюрган Халқаро валюта фонди миссиясининг эътироф этишича, Ўзбекистон банк тизимида ўз фаолият доирасини кенгайтириш борасида самарали таркибий ўзгаришлар юз бермоқда ва кўпроқ миллий валютада кредитлашга ўтилмоқда.

Маълумки, банкларнинг ресурс базаси банк капиталли билан бир қаторда юридик ҳамда жисмоний шахсларнинг банклардаги депозитларидан ва кредитдорларнинг маблағларидан ташкил топади. Жумладан, қўшни Қозғистон Республикасининг бугунги кунда ташқи қарзлари мамлакат яли ички маҳсулотининг қарий 95 фоизини ташкил этиб, банклар ва корхоналар асосан ташқи қарз эвазига фаолият кўрсатмоқда.

қозғистоннинг сотиш эвазига барқарор ресурс манбасини шакллантиришмоқда. Мазкур чора-тадбирлар оқибати, бир томондан, бўш пул маблағларига эга бўлган шахсларнинг маблағларидан банклар ёрдамида мамлакат иқтисодиётида самарали фойдаланиш мумкин. Иккинчи томондан, уларнинг банк-қўйган пуллари, сотиб олган банк акциялари бўйича қўшимча даромадга эга бўлиш имкониятига эга бўлди.

Осиё Тараққиёт банкнинг ҳудудларо департаменти бош директори, жаноб Нуран Миранда 2007 йил июнь ойида юртимизга ташрифи чоғида республикамиз банк тизимига жуда юқори баҳо бериб, Осиё Тараққиёт банки ўз мисолида Ўзбекистон банк тизини барқарорлигини бундан дунёга кўрсатиш истагида эканлигини билдирди.

Четдан жалб этилаётган ушбу кредит линиялари банкларимизнинг туловла қобилиятини, ликвидлигини ушлаб турган ёки бўлмас, ресурс базасини кенгайтириш учун эмас, балки имтиёзли фойз ва шартларда максимал тарзда, энг аввало, иқтисодиётимизда олиб борилаётган ишловларнинг устувор йўналишлари учун олиб килинмоқда.

Шу билан бир қаторда хорижий банклар мамлакатимиз банклари капиталлида иштирок этишмоқда. Хусусан, ҳозирги кунда мамлакатимизда чет эл сармояси иштирок этган 5 та банк фаолият кўрсатаяпти. «Аби Амро Банк Ўзбекистон МБ, ХЖ» (Голландия), «УКДБ Банк» (Корея), «Савдогар» Ўзбекистон-Германия акциядорлик тижорат банки, Узбек-Турк банки

Қадрли акциядор ва мижозларимиз, ҳурматли ҳамюртларимиз!

АТ «ПАХТА БАНК»

сизни кириб келаятган Янги йил билан чин дилдан табриклайди!

Янги йилда сизга бахт-саодат, соғлиқ ва тинчлик-хотиржамлик тилаймиз!

Байрам арафасида «Пахта банк» сизга йиллик 30%ли «Ифтихор» жамғарма омонати турини таклиф этади. Маблағлар 1, 3, 6, 9, 12 ва 15 ойлик муддатга сақлаш шарти билан қабул қилинади. Бошланғич бадали — 50 000 сўм. Шошилинг, маблағлар жорий йилнинг 31 декабригача қабул қилинади.

Ўзингизга бир йилга татигулик совға қилинг!

«ПАХТА БАНК» — ФАРОВОНЛИГИНГИЗ КАЛИТИДИР!

ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАНГАН

«Пахтабанк» Ўзбекистоннинг энг яхши банклари сифатида тан олинганлигини кайд этиш мумкин.

Этибор беринг: бу биргина жорий йилда аҳоли ва ҳўжалик юритувчи субъектларнинг 500 млрд. сўмга яқин маблағлари банк оборотига жалб этилганлигидан, иқтисодий эҳтимолни ри-вожлантириш учун яна шунча миқдорда қўшимча маблағ киритилишидан далолат беради.

қозғистоннинг сотиш эвазига барқарор ресурс манбасини шакллантиришмоқда. Мазкур чора-тадбирлар оқибати, бир томондан, бўш пул маблағларига эга бўлган шахсларнинг маблағларидан банклар ёрдамида мамлакат иқтисодиётида самарали фойдаланиш мумкин.

«ЎТ-Банк» ва «Содеротбанк» (Эрон) шулар сирасига қиради. Бундан ташқари, республикамизда Германиянинг «Банкгезельшафт Берлин АГ», Швейцариянинг «Кредит Свисс», Америка Қўшма Штатларининг «JP Morgan Chase», Франциянинг «Со-сьете Женераль» каби дунёнинг энг йирик банклари ваколатхоналари ҳам фаолият юритмоқда. Яқиндагина эса Кореянинг экспорт-импорт банки — «Эксимбанк» Ўзбекистонда ўз ваколатхонасини очди. Пировардда чет эл банкларининг мамлакатимиздаги ва-

ёзди кредитлар ажратилиши натижа-сида улар томонидан жорий йилда 3 миллион 700 миля тоннадан ортик пахта ва 6 миллион 250 миля тонна гаула ҳосили етиштирилишига эришилди. Мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган биргина «Микрокредитбанк» томонидан жорий йил давомида кичик бизнес субъектларига 30,3 млрд. сўмлик имтиёзли микрокредитлар ажратилиб, аҳолига 7,6 млрд. сўмлик микролизинг хизматлари кўрсатилди. Айни шу банк томонидан Навоий, Бухоро ва Хоразм вилоятларида бола-лар уйлари билан доимий мулоқот ўрнатилиб, уларнинг даромад манба-ларини қўлайитириш мақсадида ўз бизнесларини юритишлари ва тад-биркорлик билан шуғулланишлари учун микрокредитлар ҳам ажратилди. Буларнинг ҳаммаси битта банк фи-лиаллари томонидан ажратилган кре-дитларнинг иқтисодий ҳаётидаги самарасининг ёркин ифодасидир.

Айниқса, ўтган давр мобайнида бу борада банклар томонидан олиб бо-рилган чора-тадбирларнинг натижа-лари салмоқлидир. Биргина 2007 йил давомида тижорат банклари томони-дан ёш оилаларга имтиёзли шарт-ларда 50,0 млрд. сўмлик ипотека ва истемол кредитлари, тадбиркорлик фаолиятини бошлаш учун микрокре-дитлар ажратилиши кўзда тутилгани ҳолда, амалда 32122 та ёш оилалга 112,8 млрд. сўмлик ёки белгиланган-дан 2 баробар кўп миқдорда имти-ёзли кредитлар берилгани бунга ми-сол бўла олади. Жумладан, банклар томонидан ёш оилаларга 85,3 млрд. сўм миқдорда ипотека ва истемол кредитлари, 16652 та ёш оилалга 27,4 млрд. сўмлик микрокредитлар ажра-тилди. Бундан ташқари, барча ман-балар ҳисобидан 60 милядан ошиқ оилалга қарамол сотиб олиш учун 41 миллиард сўмлик, шу жумладан, бюд-жетдан ташқари фондлар томонидан 10 милядан ортик қўшимча 8,5 миля-ард сўмдан зиёд имтиёзли кредит-лар берилди.

Хулоса қилиб айтганда, банк ти-зимиде рўй бераётган ижобий ўзга-ришлар Ўртбошимиз томонидан бел-гилаб берилган устувор йўналишлар асосида бундан кейин ҳам давом эт-тирилади. Айниқса, Президентимиз томонидан келгуси йилнинг «Ёшлар йили» деб эълон қилиниши банклар зиммасига катта масъулият юклай-ди. Ёшларни, ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш борасида уларга ажрати-лаётган имтиёзли кредитлар миқдо-рини янада қўлайитириб, банк тизими бундан кейин ҳам халқимиз турмуш даражаси юксалиши ва фаровонлиги ошишига ўз ҳиссасини қўшиб бора-веради.

САВДО ЯРМАРКАСИ

Қашқадарё вилояти марказида истемол товарларининг улгуржи савдо-ярмаркаси бўлиб ўтди. Унда вилоят шаҳар ва туманларидаги саноат корхоналари билан бир қаторда Бухоро, Самарқанд, Хоразм вилоятларидан келган тадбиркорлар ҳам ўз махсу-лотларини намойиш этишди.

Икки кун давомида ишлаб чиқарувчилар ва савдо таш-килотларининг ва-киллари маҳаллий хом ашёдан тай-ёрланган махсу-лотларнинг олди-сотди шартномаларини тузиш билан шуғулланилди.

— Ярмарка сотувчилар учун ҳам, олувчилар учун ҳам жуда фойдали бўлди. — дейди

«Қашқадарёмаълумотсавдо» акционерлик компанияси раиси ўқтам Қўр-банов. — Ярмаркада 187 та ташкилот вакилла-ри катнашиб, 5,1 милярд сўмлик улгуржи савдо шартномаларини имзо-ладилар.

Б. НОРҚОБИЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИ ВА ДИПЛОМАТИЯ УНИВЕРСИТЕТИ

2008 йилга қийпаган мутахассисликлар бўйича аспирантурага кундузги ўқув шакли бўйича қабул эълон қилади:

08.00.09 — Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар

12.00.10 — Халқаро ҳуқуқ

23.00.04 — Халқаро тизимлар ва умумжаҳон тараққиётининг сиёсий муаммолари

Ҳужжатлар 2008 йил 5 январгача Тошкент шаҳри, Буюк Ипак Йўли кўчаси, 54-уй, «А» корпуси, 2-қонада қабул қилинади. Телефон: 267-07-07.

Организация реализует со склада в Ташкенте следующие ШИНЫ

российского производства:

Размер	Модель
13,6-38	Я-166 нс 6
15,5-38	Ф-2АД нс8
9,00-16	Я-324А нс10
28, 1R26	ФД-12М нс12 и 158
9,5-42	Я-183 нс8
18,4/78-30	Я-319 нс8 и 139
10,00R20	И-281, У-4 нс 16
8,25 R20	

а также любые другие модели под заказ.

Адрес: г. Ташкент, ул. У. Юсупова, 36. Тел./факс: 144-71-75, 144-30-79. E-mail: euroaz@mail.ru

Аҳмадхон МАМАТОВ, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки департамент директори.

16.03.07.2007

ТОВАР СЕРТИФИЦИРОВАН

Тайлоқ Олимпия захиралари коллежи мамлакатимиз терма жамоаларига етук спортчилар тайёрлаб берадиган етакчи билим масканларидан ҳисобланади. Бугунги кунда коллежда таълим олаётган 842 нафар талабанинг 33 нафари юртимизнинг турли терма жамоаларида фаолият кўрсатмоқда. Кўпчилиги эса аъзоликка номзод спортчилардир. Жорий йилнинг ўтган даврида 8 нафар ўқувчи спорт устаси, 263 нафари эса спорт усталигига номзод талабини бажарди.

БЎЛАЖАК ЧЕМПИОНЛАР МАСКАНИ

— Аввало, мамлакатимизда болалар спортини ривожлантиришга берилаётган эътибор туфайли кўплаб иқтидорли ёшлар кашф этилди, — дейди коллеж директори Баҳодир Саидов. — Ҳар йили ўзи истаган спорт тури билан шуғулланиш ниятида бўлган юзлаб ёшлар коллежимизга келишади. Улар орасидан энг маҳоратли ва жисмоний жиҳатдан чиққанларини танлаб оламиз. Айни пайтда спортнинг 11 йўналиши бўйича мунтазам машғулотлар ўтказиш йўлга қўйилган.

Ушбу коллеж 1999 йилда Тайлоқдаги иккинчи республика Олимпия ўринбосарлари билим юрти базасида ташкил топган. Шундан сўнг ёш спортчилар маскани таниб

бўлмас даражада ўзгариб кетди. Ўқувчиларнинг таълим олиш, сеvimли спорт машғулоти билан мунтазам шуғулланишлари учун имкониятлар кенгайди. Стадион, спорт заллари, майдончалар жаҳон андозалари даражасида тубдан ташкирланди. Синфхоналардаги жиҳозлар янгилаб, компьютер техникалари билан таъминланди.

Ҳозирда коллеж спортчилари орасида жаҳон миқёсидаги нуфузли мусобақаларда Ўзбекистон байроғи кўтарилишига сабабчи бўлаётган ёшлар тобора кўпаймоқда. Шу йилнинг ўзида самбо бўйича ўтказилган жаҳон чемпионатида тай-

лоқлик спортчилар иккита олтин ва битта кумуш медални қўлга киритишди. Август ойида Хитой Тай-



Спорт

пейида эркин кураш бўйича бўлиб ўтган Осиё биринчилигида коллеж талабаси А. Воҳидов ўз вази тоифасида биринчи ўринни эгаллади.

Самбо, "турон" яқка кураши, дзюдо, белбоғли кураш, миллий кураш,

юнон-рум кураши бўйича ҳам арзирли натижалар қўлга киритилди. Академик эшак эшиш, байдарка ва каноэда эшак эшиш, сув полоси бўйича ўтказилган республика мусобақаларида ҳам доимий равишда коллеж талабалари голиблар сафида боришяпти. Кейинги

«MONEYGRAM» — ПУЛ ЎТКАЗИШНИНГ ҚУЛАЙ УСУЛИ



Иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш жараёнида Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари томонидан аҳолига кўрсатилаётган хизматлар турини кенгайтириш ва самарадорлигини ошириш масаласи долзарб вазифалардан бирига айланди. Натижада мамлакатимиз молия муассасалари томонидан кўрсатилаётган хизматлар қўламаи ва сифати тобора ортиб бораётди. Айниқса, халқаро пул ўтказмалари тизими орқали кўрсатилаётган хизматлар эътиборга лойиқдир.

Мамлакатимиздаги энг йирик ва универсал банклардан бири РАТБ "Галлабанк" мана, бир неча йилдирки, бу йўналишда "MoneyGram" халқаро пул ўтказмаси орқали аҳолига ишончли хизмат кўрсатиб келяпти. Хорижда ишлайдиган жисмоний шахслар яқинларига пул жўнатиш, чет элга сафарига чиққан кишилар ёхуд ўзга юрда таҳсил олаётган талабаларга маолаги етказишда бу тизимнинг аҳамияти ниҳоятда катта бўлмоқда.

Айтиш мумкинки, "MoneyGram" халқаро пул ўтказмалари тизими,

аввало, хизмат қамровининг кенглиги ва ишончилиги билан ажралиб туради. Зотан, тизимнинг 170 мамлакатда 96 мингдан зиёд шохобчалари мавжуд бўлиб, улар ўз миқозларига барча қулайликлар яратиш мақсадида узлуксиз ишлайди. Яъни "MoneyGram" ҳафтада — етти кун, бир суткада — 24 соат, танаффуссиз фаолият кўрсатади. Тўлов нақд хорижий валютада амалга оширилади. Вазият тақозосига қўра, пул маблағини тезда қайтариб олиш ёки операцияни тўхтатиш имконияти ҳам мавжуд. Энг муҳими, ўтказмалар учун тўлов ҳақи катта эмас. Боз устига, ҳеч қандай ортиқча тўловларсиз қўшимча маълумот олишингиз мумкин.

Америка Қўшма Штатларининг "MoneyGram" халқаро пул ўтказмалари тизими ва РАТБ "Галлабанк" ўртасида 2003 йил 15 апрелда тузилган ўзаро ҳамкорлик келишувига асосан, банк томонидан мазкур тизимнинг кенг тармоғини яратиш борасида бир қатор амалий ишлар олиб боришмоқда. Бунинг самараси ўлароқ, ҳозирда унинг шохобчалари сони 20 тани ташкил қилиб, улар республикамизнинг йирик шаҳарлари, туман марказларида фаолият кўрсатаётган. Ушбу шохобчаларда хорижга пул юбориш ёки хориждан пул маблағлар олиш учун мурожаат қилган фуқаролар учун барча қулайликлар яратил-

Хизмат

ган. Натижада ушбу тизимдан фойдаланувчилар сони йил сайин кўпайиб, амалга оширилаётган пул ўтказмаларининг географик доираси кенгайиб бормоқда. Дейлик, 2006 йилнинг 10 ойи давомида "Галлабанк"нинг пул ўтказиш шохобчалари орқали жами 3392,9 минг АҚШ доллари қўйматида 4,2 мингдан ортиқ ўтказмалар амалга оширилган бўлса, жорий йилнинг шу даврида 6430,6 минг АҚШ долларига тенг 8,3 мингдан ортиқ амалиётлар бажарилди.

Ёки бўлмаса, банк томонидан 2006 йил давомида халқаро пул ўтказмалари йўналиши бўйича жами 29,2 минг АҚШ доллари миқдорда даромад олинди, соф фойда 24,2 минг АҚШ долларини ташкил этган бўлса, жорий йилнинг 10 ойи давомида бу кўрсаткичлар тегишли равишда 42,2 минг АҚШ доллари ва 32,9 минг АҚШ долларига етди. 2007 йил мобайнида халқаро пул ўтказмалари тизими орқали амалга оширилган амалиётлар ҳажмига қўра, банкнинг Андижон, Бухоро ва Самарқанд минтақавий филиаллари етакчилик қилаётган. РАТБ "Галлабанк" халқаро пул ўтказмалари тизимини янада кенгайтириш, ушбу хизматлардан фойдаланувчи фуқаролар ишончини қозониш йўлида барча имкониятлар сафарбар қилинаётган. Зеро, хизматлар тури ва сифати ни ошириш, халқимиз фаровонлиги ва турмуш шароитини яхшилашга ҳисса қўйиши билан банк даромадлилиги ҳамда самарадорликка эришиш банкларнинг асосий мақсадларидан бири ҳисобланади.

Юлдуз ТУРСУНХЎЖАЕВА, "Галлабанк" халқаро банк амалиётлари ва тошқи иқтисодий алоқалар бошқармасининг 1-тоифали мутахассиси.

Янги йил совғалари

болалар ва катталар учун

Тўлов — пул ўтказиш йўли билан.

Тел.: 173-96-14, 173-97-00, 276-52-91.

ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИДАН
Фойдаланувчилар диққатига!

«Ўзбекэнерго» ДАК

электр энергиясининг барча истеъмолчиларига, шу жумладан, юрдак ва жисмоний шахсларга ҳам, 2008 йил учун энергия билан таъминлашга шартномалар тузилиши зарур эканлиги тўғрисида маълум қилади.

Амалдаги шартномалар муддати узайтирилмайди. Шартнома тури учун электр энергиясининг истеъмолчилари объект жойлашган манзил бўйича энергия билан таъминловчи ташкилотга мурожаат қилиши зарур.

Шартномалар қуйидаги шартлар бажарилганда тузилади:

- ҳисобга олинмаган ҳисоб-китоб нуқталарида замонвий электрон ҳисоблагичлар ўрнатилган бўлса (манший истеъмолчилардан ташқари);
- 2007 йилда амал қилаётган шартнома бўйича истеъмолчининг муддати ўтган дебиторлик қарзлари мавжуд бўлмаганда.

«Ўзметкомбинат» АИЧБ

Тўлиқ технологик циклли рангли металллар ишлаб чиқариш корхонасида қуйидаги маҳсулотлар тайёрланади:

Техник тавсифи:

мис ленталар
ГОСТ 1173-93;
— қалинлиги — 0,4 + 2 мм., эни — 30 + 440 мм., ўрамларда, тайёрланиш аниқлиги — ўта юқори

мис тилим (полоса)
ГОСТ 495-92;
— қалинлиги — 0,4 + 4 мм., эни — 440 мм. гача, ўрамларда, тайёрланиш аниқлиги — ўта юқори

радиатор мис ленталари
ГОСТ 20707-80
— қалинлиги — 0,25 мм., эни — 30 + 200 мм., ўрамларда, тайёрланиш аниқлиги — ўта юқори

Техник тавсифи:

жез (латун) ленталар
ГОСТ 2208-91;
— қалинлиги — 0,4 + 2 мм., эни — 30 + 440 мм., ўрамларда, тайёрланиш аниқлиги — ўта юқори

жез тилимлар
ГОСТ 931-90;
— қалинлиги — 0,4 + 4 мм., эни — 30 + 440 мм., ўрамларда, тайёрланиш аниқлиги — ўта юқори

радиатор жез ленталари
ГОСТ 20707-80.
— қалинлиги — 0,25 мм., эни — 30 + 200 мм., ўрамларда, тайёрланиш аниқлиги — ўта юқори

Ишлаб чиқариш корхонаси Европанинг (Италия, Австрия, Швейцария, Германия) етакчи фирмалари замонавий ускуналари билан жиҳозланган. Мазкур ускуналарда буюртмачининг барча истакларини тўлиқ қондириш, шу жумладан, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот асортиментини кенгайтириш бўйича техник имконият мавжуд.

Маҳсулотлар жаҳон стандартлари талабига жавоб беради. Улар миллий ва халқаро сертификациялаш тизими бўйича сертифициланган.

Юқори сифатли маҳсулотимизни тезда тайёрлаб беришга кафолат берамиз!

Манзилимиз:
Ўзбекистон Республикаси 110502, Тошкент вилояти, Бекobod шаҳри.
Телефонлар: (+998 70) 913-15-22, 912-37-84, 912-20-54.
E-mail: UMK-COCM@yandex.ru

«ASIA CHEVRO STAR» МЧЖ

«Chevrolet Lacetti»

РУСУМЛИ АВТОМАШИНАЛАРНИ ХАРИДОРЛАРГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ.

Тўлов пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

Тел.: 870-05-14, тел./факс: 281-84-60.

Хашар

Хоразм вилояти фавкулда вазиятлар бошқармаси томонидан Урганчдаги 11-сонли вилоятларда болалар уйида хайрия тадбири ўтказилди.

Кўмакдошлар

Шу кунги тоқлар ва гуллар қирқилиб қўмилди, дарахларга шакл берилди. Иситиш, газ ва электр тизимларининг техник хрлати қўридан ўтказилди. Тадбир жараёнида бошқарма ходимлари тарбиячилар билан суҳбатда бўлиб, уларга фавкулдада вазиятлар содир бўлганда қандай ҳаракат қилиш лозимлиги тўғрисида тушунчалар бердилар.

П. БЕКМЕТОВ.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир **Ўткир РАҲМАТОВ**

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1157. 23787 нусхала босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхоналар билан алоқа ва мунтақалар бўлими 133-52-55;
Котибиат 133-10-28; Ўзлонлар 136-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида терияди ҳамда операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Тижорат материали

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА яқуни — 21.05 Тошпирилди — 23.00 1 2 3 4 5 6 7

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Набатчи котиб — А. Орпнов.
Набатчи муҳаррир — Г. Йулдошева.
Набатчи — С. Хайдаров.
Мусаҳҳих — Ш. Машраббоев.